

Эркаклар ҳар доим ёдида сақлайдиган беш нарса бор

08:58 / 09.01.2019 2730

Эркаклар ҳар доим ёдида сақлайдиган беш нарса бор:

- «Эркаклар аёлларга раҳбардир».
- «Ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами, никоҳлаб олинг».
- «Сиз – хотинларнинг ҳийлангиз жуда зўрдир».
- «Бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур».
- «Аёлларнинг ақли ва дини ноқис».

Эркаклар унутиб қўядиган беш нарса бор:

- «Яхшиларингиз – аҳли аёлига яхши бўлганларингиздир».
- «Нозик ва заифаларга мулойим бўлинглар».
- «Аёлларга яхши муомалада бўлинглар».
- «Аёлларни олижаноб киши ҳурмат қилади. Уларни пасткаш киши хорлайди».
- «Хушxabар беринглар, нафрат қилдирманглар. Ҳар қанча уринсангиз ҳам, хотинлар ўртасида адолатли бўла олмайсизлар».